



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат
хавфсизлигини инспекцияси бошлиги

Т.Э.Улжаев

— йил “29” 05

СЕРТИФИКАТЛАШ, АЭРОНАВИГАЦИЯ ВА ПАРВОЗЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БҮЛИМИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМ.

Асос: 1. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари” түғрисидаги 2017 йил 17 июндаги ПП-3136-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳақидаги Низомни тасдиқлаш” түғрисидаги 2017 йил 2 сенябрдаги 692-сон қарори.

4. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсия қилинган амалиёти.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Сертификатлаш, аэронавигация ва парвозлар амалга оширилишини назорат қилиш бўлими (кейинчалик – бўлим) Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг (кейинги матнларда Дававианазорат), сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси таркибига киради ва парвозларни таъминлаш ва бажариш борасидаги рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаш ва назорат ишларини амалга оширади.

1.2. Сертификатлаш, аэронавигация ва парвозлар амалга оширилишини назорат қилиш бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни, фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) ҳужжатлари, парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш, сертификатлаш бошқармаси ва Дававианазорат ҳақидаги Низомлар, Дававианазорат бошлиги буйруқлари ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низомга таянади.

1.3 Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясидаги парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспектори мақомига эга.

2. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

2.1. Фаолияти парвозларни таъминлаш ва бажариш билан боғлиқ бўлган ФА эксплуатантлари, авиакорхоналарининг ўкув (машқ) муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бошқа субъект ва обьектларини сертификатлаш ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш.

2.2. Куйидаги соҳаларда назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш:

- а) фуқаро ва экспериментал ҲК да парвозларни бажариш ва таъминлаш;
- б) парвозларнинг аэронавигация (штурманлик) таъминоти;
- в) визуал парвозлар, ускуналар ва аэронавигация карталари бўйича парвозлар схемасини тайёрлаш ва тузиш;

д) аэронавигация маълумоти хизматларининг (АМХ) фаолияти ва парвозларни аэронавигация маълумоти билан таъминлаш;

2.3. Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари, бўлим фаолиятининг йўналишлари бўйича меъёрий ва раҳбарий (бошқарув) хужжатларини тайёрлаш.

2.4. ФА халқаро ташкилотлари ишида қатнашиш, авиация маъмуриятлари, бошқа давлатларнинг сертификатлаш ва назорат органлари тузилмалари билан бўлим ваколатига тегишли масалалар бўйича ўзаро муносабат ва ҳамкорликни таъминлаш.

2.5. Текширувнинг намунавий дастурини ва инспекторлар таркиби учун фаолиятининг йўналишлари бўйича техник йўриқномаларни ишлаб чиқиш (тайёрлаш).

3. АСОСИЙ ХИЗМАТИ.

3.1. ФА эксплуатантлари, авиакорхоналарининг ўқув (машк) муассасалари, шунингдек фаолияти парвозларни бажариш ва таъминлаш билан боғлик бўлган Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бошқа субъект ва объектларини сертификатлашни ва белгиланган тартибда тегишли сертификатлар, эксплуатация таснифлари, муайян рухсатномалар ва чекловлар (EDTO, PBN, RNP, RVSM, AWOP, MNPS, RNAV, хавфли юкларни ташиш бўйича) беришни ташкиллаштириш ва олиб бориш;

3.2. Ўзбекистон Республикаси ФА субъект ва объектларига берилган ва пули тўланган сертификатлар реестрини юритиши.

3.3. ҲҚ комплексли ва протседура тренажорларини, улардан фойдаланишга рухсатнома бериш билан, малакавий баҳолаш.

3.4. Қуйидаги соҳаларда белгиланган талаблар бўйича фуқаро авиацияси, экспериментал авиация ва ФАнинг бошқа объектлари эксплуатантларига мослигини тасдиқлаш мақсадида текширувни (назоратни) ташкил қилиш ва амалга ошириш:

а) парвозларни бажариш:

Ўзбекистон Республикасида фуқаро ва экспериментал авиация парвозларининг қоидалари;

учув ишларини ташкил қилиш;

парвозларнинг аэронавигация (штурманлик) таъминоти;

визуал парвозлар, ускуналар ва аэронавигация карталари бўйича парвозлар схемасини тайёрлаш ва тузиш;

ҲҚ нинг парвоз қилиши ва қўниши учун минимумларни аниқлаш;

б) АМХ фаолияти ва парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш;

в) авиация ходимларини ўқитиш ва малакасини ёқлаш:

авиация ходимларининг бошланғич тайёргарлиги, қайта тайёргарлиги, малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ФА учувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларини ШЕҲМ ёрдамида тестдан ўтказиш бўйича ўқув режалари ва дастурларини белгиланган тартибда текшириш ва тасдиқланишини ташкил қилиш;

г) ҳаводаги ташувларнинг хавфсизлигини назорат қилиш.

3.5. Йўналишлар бўйича эксплуатантларнинг инспектор текширувларини ташкил қилиш ва олиб бориш.

3.6. Ўзбекистон Республикаси авиакомпанияларининг бошқарув-учувчилари, учувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг квалификатсион (малакага оид) текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш. Эксплуатантларнинг тайинланган мутахассисларига ишониб топширилган вазифаларнинг бажарилиши учун доимий назорат.

3.7. Тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан учувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш, уларни текшириш ва мустақил ишлашга рухсат беришни киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида кучга кирган қоидаларга амал қилинишини назорат остига олиш.

3.8. Авиация ходисалари ва Фуқаро ҲҚ тўқнашувларининг тергов натижаларини текшириш.

3.9. Фуқаро ҲҚ ни ижарага бериш шартномаларини маъқуллаш протседураларини ташкил қилиш ва амалга ошириш.

3.10. Ўзбекистон Республикаси ФА эксплуатантлари ва ташкилотлари томонидан парвозлар хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирларни тайёрлаш ва амалга оширишини назорат остига олиш.

3.11. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида парвозлар хавфсизлиги ҳолатининг таҳлилини олиб бориш..

3.12. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси ФА фаолиятини белгиловчи меъёрий хужжатларни тайёрлашни ташкил қилиш.

3.13. Фаолиятининг йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини, сертификатлаш ва назорат бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ва раҳбарий хужжатларини тадқиқ қилиш.

3.14. Чет эл сертификатларини мослигини эътироф қилиш протседураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ҳорижий давлатлар томонидан авиация мутахассисларига берилган сертификатларни (гувоҳномалар) эътироф қилиш (тан олиш) расмий маросимларида қатнашиш.

3.15. Бўлим инспектор таркибининг малакасини талаб даражасида қўллаб-куватлаш (фаолиятининг ихтисоси бўйича бошланғич назарий тайёргарлик, иш жойида тажриба орттириш, инспекторнинг маҳсус, даврий, ўрта-давомийлик, узоқ муддатли тайёргарлиги

3.16. Янги авиация техникасини давлат ва эксплуататсион синовларини ўтказища қатнашиш ва уни жорий қилиш шартларини белгилаш.

3.17. Фуқаро ва экспериментал авиация ҲҚ да содир этилган авиация ходисалари ва тўқнашувларни тергов қилишда қатнашиш.

3.18. Фуқаро авиациясининг авиация техникаси ишидаги кам-кўстларининг тўлдирилишини, модификацияларини, ҳаво кемаларидан техниковий ва учища фойдаланиш бўйича хужжатларини тасдиқлаш учун кўздан кечириш.

3.19. Ҳаво кемалари хизматлари ва фуқаро авиациясининг бошқа объектлари ресурслари ва муддатларини белгилаш бўйича қарор қабул қилиш юзасидан фикр билдириш.

3.20. Йўловчиларнинг ҳаёти, саломатлиги ва (ёки) мулкига етказилган зарар учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятларни авиааташувчilar томонидан бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

3.21. Авиакомпанияларда, ўкув юртларида ПХБТ ни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун назоратни амалга ошириш.

3.22. Авиакомпанияларда, ўкув юртларида парвозлар хавфсизлиги кўрсаткичлари устидан назоратни амалга ошириш.

4. БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

4.1. Бўлимни парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш, сертификатлаш бошқармаси бошлиғи тавсиясига кўра Дававианазорат бошлиғи томонидан тайинланган бошлиқ бошқаради. Бўлим бошлиғи бош-учувчи (шеф-учувчи) бўлади.

4.2. Бўлим бошлиғининг парвозлар режаси бошқарма бошлиғи билан келишилади ва Дававианазорат бошлиғи ёки унинг ўринбосари орқали тасдиқланади.

4.3. Бош-учувчи учун парвоз кунларидаги иш вақтининг хисоби “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтларини нормаллаштириш” ЎзР-94 АҚ га биноан олиб борилади. Бошқа

вақтларда иш куни “Дававианазорат ходимлари учун ички меҳнат тартиб-қоидалари” билан қатъий белгиланади.

4.4. Бўлим бошлиғи йўқлигида унинг вазифасини бўлимнинг тайинланган бош мутахассиси бажаради.

4.5. Бўлим ходимлари ўз мажбуриятларини бажарадилар ва лавозим йўрикномаларига мувофиқ жавобгардилар.

4.6. Бўлим ишлари сертификатлаш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган режалар бўйича амалга оширилади.

4.7. Бўлим ишларининг тартиби “Дававианазорат ходимлари учун ички меҳнат тартиб-қоидалари”га асосан белгиланади. Учувчи мутахассисларнинг парвоз режалари бўлим бошлиғи билан келишилади ва Дававианазорат бошлиғи ёки унинг ўринбосари орқали тасдиқланади. Парвоз кунларидаги иш вақтининг ҳисоби “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтларини нормаллаштириш” ЎзР-94 АҚ га биноан олиб борилади.

4.8. Бўлим бошлиғи ҳар бир ходимни ихтисоси бўйича тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда, бўлим ишларининг унумдорлигини таъминлаш ва мутахассисларни ўзаро алмашиниши учун фаолиятларининг йўналишлари бўйича бош ва етакчи мутахассислар ўртасида вазифаларни тенг тақсимлаш ишларини олиб боради

4.9. Бўлим мутахассислари эксперт сифатида Дававианазорат ОМК ва Ўзбекистон Республикаси ФА ўкув юртларининг давлат имтиҳон комиссиялари ишларига жалб қилинадилар.

4.10. Бўлимнинг таркибий (тузилмавий) схемаси 1-сонли Иловада келтирилган.

5. БЎЛИМ БОШЛИГИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Бўлим бошлиғи:

олий авиация маълумотига, ФА учувчининг амалдаги гувоҳномасига, бошқарув-учувчи ишида 5 йилдан кам бўлмаган тажрибага, улардан камида 3 йили бошқарув-учувчи лавозимларида бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексини, авиация транспорти соҳасидаги фаолиятни эксплуатантлар ва авиация ўкув марказларини сертификатлаш, ФА авиация ходимларини тайёрлаш ишларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хукуқий ҳужжатларини;

эксплуатантлар ва авиация ўкув марказларини сертификатлаш, ФА авиация ходимларини тайёрлаш, ФА ҳаво кемаларини эксплуатация қилиш ва парвозларни таъминлаш масалалари бўйича стандартлар ва ИКАО тавсия қиласидаги амалиёт талабларини;

Ўзбекистон Республикаси ФА қоидалари ва парвозларни таъминлаш соҳасидаги меъёрий-хукуқий ҳужжатлар, учув ишларини ташкил қилиш бўйича методик ҳужжатларни;

меҳнат қонунлари асослари, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнфинга қарши химояланиш қоидалари ва нормаларини билиши керак.

5.2. Бўлим бошлигининг вазифалари:

мазкур Низом, Дававианазорат (Бошқарма) фармойишлари билан белгиланган асосий вазифалар ва хизматларга мувофиқ фаолият йўналишлари бўйича ишларни режалаштириш ва ташкил қилиш;

эксплуатантлар, ФА авиация ўкув (машқ) марказлари, шунингдек фаолияти ишлаб чиқариш ва парвозларни таъминлаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бошқа субъект ва обьектларини сертификатлаш ва белгиланган тартибда тегишли сертификатларни бериш ишларини ташкил қилиш ҳамда олиб бориш;

қуйидаги соҳаларда белгиланган талаблар бўйича фуқаро авиацияси, экспериментал авиация ва ФА нинг бошқа обьектлари эксплуатантларига мослигини тасдиқлаш мақсадида текширувни (назоратни) ташкил қилиш ва амалга ошириш:

парвозларни таъминлаш ва бажариш;

авиация ходимларини ўқитиш ва малакасини ёқлаш;

ФА ҲК комплексли ва протседура тренажорларини, улардан фойдаланишга рухсатнома бериш билан, квалификацияловчи баҳо беришни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

йўналишлар бўйича эксплуатантларнинг инспектор текширувларини ташкил қиласи ва олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси авиакомпанияларининг бошқарув-учувчилари, учувчи ва хизмат қўрсатувчи ходимларининг квалификатсион (малакага оид) текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

эксплуатантларнинг тайинланган мутахассисларига ишониб топширилган вазифаларнинг бажарилиши учун доимий назоратни ташкил қилиш ва олиб бориш;

ФА корхоналари ва ташкилотлари билан учувчи ва хизмат қўрсатувчи ходимларни тайёрлаш, уларни текшириш ва мустақил ишлашга рухсат беришни киритган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида кучга кирган қоидаларга амал қилинишини назорат остига олиш;

авиация ҳодисалари ва Фуқаро ҲК тўқнашувларининг тергов натижаларини текширишни ташкил қилиш;

фуқаро ҲК ни ижарага бериш шартномаларини маъқуллаш процедураларини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида парвозлар хавфсизлиги ҳолатининг таҳлилини олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси ФА эксплуатантлари ва ташкилотлари томонидан парвозлар хавфсизлигини ошириш бўйича тадбирларнинг тайёрланиши ва амалга оширилишини назорат остига олиш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси ФА фаолиятини белгиловчи меъёрий хужжатларни, сертификатлаш ва назорат бўйича бошқа норматив-хукуқий хужжатларини тайёрлашни ташкил қилиш;

чет эл сертификатларини мослигини эътироф қилиш протседураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ҳорижий давлатлар томонидан авиация мутахассисларига берилган сертификатларни (гувоҳномалар) эътироф қилиш (тан олиш) расмий маросимларида қатнашиш;

бўлим инспектор таркибининг малакасини талаб даражасида қўллаб-куватлаш (фаолиятининг ихтисоси бўйича бошланғич назарий тайёргарлик, иш жойида тажриба орттириш, инспекторнинг махсус, даврий, ўрта-давомийлик, узоқ муддатли тайёргарлиги);

янги авиация техникасини давлат ва эксплуататсион синовларини ўтказиша қатнашиш ва уни жорий қилиш шартларини белгилаш;

фуқаро ва экспериментал авиация ҲК да содир этилган авиация ҳодисалари ва тўқнашувларни тергов қилишда қатнашиш;

фуқаро авиациясининг авиация техникаси ишидаги кам-кўстларининг тўлдирилишини, модификацияларини, ҳаво кемаларидан техникавий ва учища фойдаланиш бўйича хужжатларини тасдиқлаш учун кўздан кечириш;

авиакомпанияларда, ўкув юртларида ПХБТ ни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун назоратни амалга ошириш;

фаолиятининг йўналишлари бўйича инспекторлар таркиби учун текширувнинг намунавий дастури ва техник йўриқномаларнинг тайёрланишини ташкил қилиш ва назорат остига олиш.

5.3. Бўлим бошлиғи ўз хукуқ доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ қуйидагиларга жавоб беради:

мазкур Низом орқали бўлимга юклатилган бурч ва вазифаларнинг бажарилишига;

Дававианазорат раҳбариятининг бошқарув ва норматив ҳужжатлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқлари талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига;

ФА обьектларини сертификатлаш ва назорат текширувлари натижалари бўйича кўрсатмалар ва ёзма буйруқлар, сертификатлар бериш ҳақидаги қарорлар, улар томонидан берилган хуносаларнинг обьективлилигига (холисоналиги);

бўлим томонидан тайёрланаётган норматив ҳужжатларнинг сифатига;

бўлимдаги ишюритишнинг ўрнатилган тартибга мувофиқ ташкил қилинишига;

унинг ваколатига тегишли (хукуқ доирасидаги) ҳужжатларнинг тартибли ва бут сақланишига;

бўлим тасарруфидан бўлган мулк ва ҳужжатларнинг сақланишини ташкил қилишга;

бўлим ходимлари томонидан Дававианазорат ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилинишига, лавозим йўриқномаларига мувофиқ ўз мажбуриятлари, меҳнат ва ижро интизоми, меҳнат муҳофазаси ва ёнғинга қарши химояланиш қоидаларининг бажарилишига;

хизмат ва бўлим сирларининг ошкор бўлмаслигига жавоб беради.

6. БЎЛИМ БОШЛИГИНИНГ ХУҚУҚИ.

Бўлим бошлиғи қуидаги ҳуқуқларга эга:

6.1. Мазкур Низомда белгиланган вазифа ва хизматларни бажариш бўйича, ўз ваколати доирасида бўлим мутахассисларига кўрсатма ва фармойишлар бериш.

6.2. Уларнинг фаолиятида парвозлар хавфсизлигини таҳликага солувчи, ишлаб чиқариш фаолиятининг сифатини пасайтирувчи қонунбузарликлар аниқланганда, ФА эксплуатантлари ва ташкилотларига ижроси мажбурий бўлган назорат ёзма буйруқларини бериш.

6.3. Дававианазорат раҳбариятига қуидаги таклифларни киритиш:

авиация ҳодисалари ва тўқнашувларни олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

парвозлар хавфсизлигини таҳликага солувчи номувофиқликлар аниқланган ҳолида, Ўзбекистон Республикаси ФА эксплуатантлари, ўқув юртларининг (марказлари) амалдаги ЖК сертификатларини бекор қилиш ёки фаолиятини тўхтатиши.

6.4. Агар текширув ва унга тегишли эксплуататсион назорат ишлари ўтказиш вақтида учувчи мутахассис эксплуататсия жараёнида, квалификацияга оид текширувни киритган ҳолда, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан унчалик хатарли бўлмаган парвозни бажарса ёки бажарилишига сабаб бўлса, бир вақтнинг ўзида Дававианазорат (Бошқарма) бошлиғига ва манфаатдор идоралар, корхоналар, авиакомпаниялар раҳбарларига хабар берган ҳолда, эксплуатантлар учувчи мутахассислари гувоҳномаларининг амалда қўлланилишини тўхтатиши.

6.5. Агар эксплуататсион назорат текширувларини ўтказиш вақтида ЖХБ хизмати мутахассиси ҳаво ҳаракатини бошқариш жараёнида ўз ҳатти-ҳаракатлари билан унчалик хатарли бўлмаган парвозни бажарса ёки бажарилишига сабаб бўлса, бир вақтнинг ўзида Дававианазорат (Бошқарма) бошлиғига ва манфаатдор раҳбарга хабар берган ҳолда, ЖХБ хизмати мутахассислари, ҳаракат хизмати бошқарув таркиби гувоҳномаларининг амалда қўлланилишини тўхтатиши.

6.6. Ўзбекистон Республикаси ФА мансабдор шахсларидан бўлимга юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиш ва олиш.

6.7. Унга юклатилган мажбуриятларни бажариш мақсадида ички ва халқаро авиайўналишлар бўйича текширувчи сифатида ЎР ФА авиакомпаниялари ва авиакорхоналари экипажларининг парвоз топшириқларига белгиланган тартибда қўшилиш.

6.8. Бўлим ходимларини белгиланган тартибда тайинлаш, жойлаштириш ва ишдан озод қилиш ҳақида тақдимнома киритиш, лавозим мажбуриятларини муваффақиятли ва вижданан бажарганиклари учун ходимларни рағбатлантириш, шунингдек ножӯя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйган шахсларга интизомий жазо бериш.

6.9. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво кемаларининг учув эксплуатацияси, аэронавигацияси, ҳаво ҳаракатини ташкил қилиш, фуқаро авиациясининг учувчи ва назорат қилувчи таркиби тайёргарлигини муваффақлаштириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, анжуманлар ва семинарлар ишида қатнашиш.

Бўлим бошлиғи



Нишанов Р.М.

КЕЛИШИЛГАН:

СЛПХНБ бошлиғи

Назаров Т.А.

Бош иқтисодчи

Давыденко Л.А.

Бош юристконсулт

Орипов С.А.

Касаба уюшмаси раиси

Гулямов Р.Д.

ТАНИШТИРИЛДИ:

Нишанов Р.М. 29.05.18г.

К.Клычев 31.05.18

А.Шаджайев 31.05.18г.

С.82 26.05.18г.

И.Ногаев 31.05.18г.

Сертификатлаш, аэронавигация
ва парвозлар амалга оширилишини
назорат қилиш бўлими тўғрисидаги
Низомга

1-сонли Илова

Сертификатлаш, аэронавигация
ва парвозлар амалга
oshiрилишини
назорат қилиш бўлими
бошлиги

1 ўрин

Бош
мутахассис
учувчи-инспектори

2 ўрин

Парвозларнинг
аэронавигация таъминоти
бўйича етакчи мутахассис-
инспектори

1 ўрин

Эксплуатантлар ва авиация
ўкув юртларини
сертификатлаш бўйича бош
мутахассис-инспектори

1 ўрин

Хаводаги ташувларнинг
ҳавфсизлиги бўйича бош
мутахассис-инспектори

1 ўрин